

ёки тамоман ўзгартириш муаммосини яратди. Иккинчидан, қадрият йўналишларини фақатгина жамият онгига боғлаб қўйиб бўлмаслиги, илмий «объектив» ёндашув ҳеч қачон аксиологик ёндашувни инкор этмаслиги кераклиги аниқ бўлиб қолди. Инсон омили бурч, шахс масъулияти, шаъни, адолат каби хислатларнинг истеъмом категорияларидан бутунлай фарқли инсоний қадрият йўналишларини ишлаб чиқаришни тақоза этади. Инсон биологик – ижтимоий-мавжудот сифатида шахсиятини шаллантирадиган, у ёки бу нарса, ёхуд ходисаларга бўлган муносабатини белгиловчи қадрият ёки мезонларсиз яшай олмайди. Мустақкам, барча томонидан қабул этилган қадриятларнинг йўқлиги жамиятдаги шахсларнинг инкирозига ҳамда меъёрдан ошган хатти-ҳаракат ва салбий оқибатларга (ичкиликбозлик, жиноятчилик ва ҳақозо) олиб келади. Қадрият йўналишлари тадқиқоти айтарлиқ даражада катта маблағ ва куч талаб этмайди. Бу йўналишларни осонликча белгилаб тадқиқ этиш мумкин [3].

Қадриятлар инсон фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. У ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, инсон учун фойда келтирадиган нарса ва ходисаларнинг мажмуи тарзида юзага келади ва унинг эҳтиёжлари учун хизмат қилади. Инсонга, унинг манфаатига мос келмайдиган табиат ва жамият ходисалари қадрият бўла олмайди. Масалан, табиатдаги

ҳар бир нарса инсон эҳтиёжларига хизмат қила бошлагандан кейин қадриятга айланади.

Инсон қалбига ислом дини қадриятлари ва асосларини яхшилик, маънавий юксалиш ва рухий поклик ғояларини сингдиришда, жамиятнинг маънавий тарбиясини оширишда дин арбобларининг саъй-ҳаракатлари ҳам аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Мустақил давлатимизни мустақкамлаш, яқин келгусида ҳар томонлама тараққий этган қудратли давлатга айландириш учун ёшлар онгига янги сиёсий ва маънавий йўналишларни, халқимизнинг минг йиллик ўтмиши мобайнида тўплаган бой миллий қадриятларини қайта тиклаб, ўз ватанимиз, ўз халқимиз фаровонлиги учун астойдил илмга чанқоқлик ва меҳнат қилишдек янгича ҳаётий эътиқодни шаллантириш бугунги куннинг ўта долзарб масалаларидан бири деб ҳисобласак хато қилмаган бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда, педагогикада миллий ва умуминсоний қадрият таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ғоясининг асоси бўлиб, йирик фалсафий антропологик ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Уни ҳал этиш инсон ва цивилизация ривожланиши ёки унинг тараққиётига ёрдам бериши мумкин бўлган ижтимоий ҳаракатнинг стратегияси ана шунга боғлиқ. Бу эса таълим тизимини инсонга келажакда зарур бўладиган куч-қудрат ва унинг ижтимоий аҳамиятли дунёқараши ҳамда ахлоқий манфаатларини тиклашга олиб келади.

Адабиётлар

1. Туленов Ж., Қодиров Б., Ғофуров З. Маънавий юксалиш сари. –Т.: “Меҳнат”, 2000. 192- б.
2. Сластенин В.А. и др. Общая педагогика. / Под.Ред.Сластенина В.А.: в 2-х ч. –М.: Владос, 2003. Ч.1.гл. 33, -С. 65.
3. Туленова Г. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (Ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фал. фан. док. ...дисс. – Т.: 2006. 317-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада талабалар бой миллий маданий-тарихий анъаналар, урф-одатлар ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий-педагогик механизмлари ишлаб чиқиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқишнинг долзарб аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье дается обзор роли студентов в разработке эффективных организационно-педагогических механизмов, основанных на национальных культурно-исторических традициях, традициях и общечеловеческих ценностях, разработке методологической базы для углубления демократических реформ и развития гражданского общества.

SUMMARY

The article provides an overview of the role of students in the development of effective organizational and pedagogical mechanisms based on national cultural and historical traditions, traditions and universal values, and the development of a methodological basis for deepening democratic reforms and developing civil society.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЁЗМА ВА ОҒЗАКИ НУТҚИНИ ЎСТИРИШ

Г.Б.Бабашева – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: мустақил иш, ижодий фикр, мотивация, қобилият, оғзаки, ёзма, нутқ, мустақил фикр, ижодий тафаккур, таққослаш, танқидийлик.

Ключевые слова: самостоятельная работа, творческое мышление, мотивация, способности, устное, письменное, речевое, независимое мышление, творческое мышление, сравнение, критическое мышление.

Key words: independent work, creative thinking, motivation, ability, oral, written, speech, independent thinking, creative thinking, comparison, critical thinking.

Бошланғич таълимда она тили дарслари самарадорлигини оширишда ўқувчиларни мустақил ишлашга, ижодий фикрлашга ўргатиш долзарб аҳамият касб этади. Мустақил иш бу ҳар бир ўқувчининг индивидуал иши ҳамдир. Мустақил иш дарснинг барча босқичларида ўтказилиши мумкин. Она тили фанидан мустақкамлаш дарслари ўтказилар экан, асосий эътиборни мустақил ишлар орқали ижодий тафаккурни ривожлантиришга қаратиш жоиз. Умуман, синфда ижодий вазият яратишда грамматик таъриф ва қоидалар учун танланган мисоллар ва дидактик материаллар муҳим ўрин тутди. Психологияда ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг бир қанча омиллари тадқиқ қилинган. Улар таркибига мотивация, таҳлил, таққослаш, умумлаштириш, таснифлаш, режалаштириш, мавжумлаштириш каби шакллантирувчи, шунингдек, танқидийлик, теранлик, мослашувчанлик, тасаввурни ривожлантириш ва билимларни ўзлаштириш каби тавсифларни мисол қилиш мумкин.

Педагогика ва психологияда ўқув-билув мотивациясини ривожлантиришга таъсир кўрсатишнинг объектив (вазиятли) ва субъектив (шахсий) шарт-шароитлари гуруҳлаштирилган. “Субъектив шароитлар бу инсон характерининг барқарор жиҳатлари, у ёки бу вазиятларда ҳолатга бутун қобилияти билан ёндашиш. Объектив муҳит шароитларига таълим жараёни ташкил этишда ўқувчи ташаббусига таъсир ўтказмасдан, ўз кучи ва имкониятига ишончли шакллантириш, мустақиллигини рағбатлантириш, тасаввурни ривожлантириш қабилар қиради” [1].

Р.Х.Джурасовнинг фикрича, болалардаги ижодкорлик сифатларини ривожлантиришда инсонийлик, узлуксизлик, узвийлик, толерантлик, мустақиллик ва ўзига ишонч, шахсга йўналтирилган ёндашув, онглилик, фаоллик ҳамда таълимнинг илғор ривожланиш тамойиллари характерлидир [2].

Г.Амированинг таъкидлашича, тасвирий-бадий фаолиятда ижоднинг намоён бўлиши боланинг мотивациясини ташкиллаштиришдир. Булар: атроф-олам ҳодисаларини кундалик кузатишни ташкиллаштиришда; санъат билан мулоқот; материал билан таъминлаш; боланинг индивидуал ўзига хослигини ҳисобга олиш; тасвирий фаолиятда ижодий муҳитни ташкиллаштириш; топшириқни асослаш кабилардан иборат [3].

М.Тоирова ижодий қобилиятлар ривожда маълум бир фаолиятни амалга ошириш мобайнида, ҳаракатлар кетма-кетлигини эркин танлай олиш, ривожлантиравчи муҳит, оила ва жамоадаги илиқ, дўстона муҳитнинг таъсирини эътироф этади. “Болани ижодкорликка узлуксиз руҳлантириб туриш, унинг муваффақиятсизликка чидамли бўлиши, ҳаттоки ҳаётда амалга ошириб бўлмайдиган ҳар қандай ғояларини ҳам сабр-тоқат билан қабул қилиши муҳимдир. Танбех ҳамда қоралашга йўл қўймаслик даркор”[4].

К.Қосимова ўқувчиларда ўқув-билув мотивациясини шакллантириш ижодий характердаги саволлар тузишга ўргатиши, матнни сўз билан ёки график тасвирлашга йўналтириши нуктаи назаридан тавсифлайди ҳамда унинг “асарда ёзувчи тасвирлаган ҳаётий манзараларни аниқ тасаввур қилишлари учун қулай имкониятлар яратиши”ни таъкидлайди [5].

Ўқув материаллари ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ўстириш, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш характериға эға. Ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришдаги турли машқлар, ёзма ишлар асар матнини ўрганишда, болаларнинг нутқини ўстиришда ёрдам беради. Ўтилган асар матнини қайта ҳикоялатиш, кичик сюжетли матн режиссини тузиш, таълимий иншоға материал тўплаш, тўпланган материални тартибға солиш, муҳокама, грамматик топшириқли, грамматик мавзуда иншо ёздириш, газета ва журнал материаллари асосида мақола ёзиш, муҳокама иншо ёзиш каби ишлар ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ўстиради. Грамматик ўйинларни қуйидаги мавзулар асосида тайёрлаш мумкин:

Ижодий иншо ёзиш мусобақаси, “Ким фикрга бой?” ўйини, “Ким илғор?” ўйини, “Ажойиб ҳаёлпараст” ўйини, “Ким топқир?” ўйини, “Биринчилик учун кураш” ўйини, “Эпиграф танлаш” мусобақаси.

“Ажойиб ҳаёлпараст” дидактик ўйини ўқувчиларнинг теварак-атроф, воқеа-ҳодисалар, уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар, улар ҳақидаги фильм таассуротлари, шунингдек, саёҳатға бориш, балиқ ови, турли меҳнат корхоналариға экскурсия таассуротлари асосида ўтказилади. Уйиндан биринчи географик кашфиёт, мустақил ўқилган асар, қўрилган фильм, саёҳатлар бўйича иншо ёздиришда фойдаланилади. Ўқувчилар, айниқса, янгиликларға, учувчилар ҳаётиға жуда қизиқадилар.

Ўйинни ўтказиш тартиби: синфдаги ўқувчилар икки гуруҳға бўлинади; уларнинг сардори сайланади; вақт белгиланади; олдиндан ёзилган иншо мавзулари қогозча орқали аниқланади; маслаҳат учун вақт ажратилади.

Белгиланган вақт тугагач, иншо матни 1-гуруҳ аъзолари томонидан тартиб билан баён этилади. Ҳикояни гуруҳ сардори бошлайди, кейингилари давом эттирадилар. Узилиш ҳолатлари алоҳида ҳисобға олинади.

2-гуруҳ ҳам ишни шу тарзда давом эттирадилар. Дарс давомида ғолиб гуруҳ аниқланади. “Ажойиб ҳаёлпараст” дидактик ўйини “Дам олиш кунини”, “Анҳор бўйида”, “Дарёдаги воқеа”, Муғомбир тулки”, “Ажойиб

ёз кунларининг бирида” каби мавзулардаги ташкил этилиши мақсадға мувофиқ. Бунда ўқувчиларға матн мавзуси ва уни ёритиш; мавзуга қараб матнда акс этадиган материаллар, далиллар, ҳодисаларнинг танланиши; матннинг тўлиқ ва тўғри бўлиши; мавзунини қандай шакллантириш зарурлиги ҳақида маълумот берилади. Масалан, 1-гуруҳнинг “Балиқ овида” мавзуси бўйича матн яратиши қуйидаги тартибда ташкил этилиши мумкин:

– биринчи гапда ўқувчилар синфдош дўстлар биргаликда балиқ овига боришни маслаҳатлашганлиги, бунинг учун пухта тайёргарлик қўрилгани ҳамда орзиқиб қутилган кун етиб келганлигини;

– иккинчи гапда улар (болаларға Дилшод, Баҳром деб исм қўйилади) тонг сахарданок мактаб олдиға тўпланиб, зарур ашёлар (челак, қармоқ ва чувалчанг солинган идиш)ни олишганини;

– болалар (Дилшод, Баҳром) ҳеч қачон балиқ овига чиқмаган бўлсалар-да, бу ҳақда кўп нарсаларни эшитганлигини (воқеалар ёзилади);

– ўзларининг тажрибасизлик қилиб, фақат қармоқ олишгани, дарёға етиб келгач, қирғоққа ўтириб қармоқ ва тўрларни сувға ташлаганлиги;

– тўрни йиғиб ола бошлаганлари, қармоқни сувдан тортмоқчи бўлган бола (Дилшод)нинг кучи етмаганлигини;

– нимадир қармоқни сув тағиға тортганлиги, бола (Дилшод) кичқириб юборганлиги, болалар унга ёрдамға келганлиги ва биргаликда қармоқни сувдан тортганлиги;

– қармоққа лакқа балиқ илинганлиги, бу эса бола (Дилшод)нинг биринчи ови эканлиги изчилликда баён этилади.

2-гуруҳ ўқувчиларининг “Ўрмондаги ҳодиса” мавзуси бўйича иншо матни қуйидагича тузилиши мумкин:

1) болалар баҳор кунларининг бирида ўрмонға борганлиги; қорлар эрий бошлаганлиги, тоғ чумчуқлариучиб кела бошлаган пайтлиги;

2) улар ўрмондаги сўкмоқ йўлдан кетаётганларида бирдан рўпараларидан кулранг, кичкина, олғир қирғий осмонға кўтарилгани; бола (Рашид) қирғий чангалида тоғ чумчуғини кўриб қолганлиги;

3) бола (Рашид) тоғ чумчуғини қандай қилиб қутқариш чорасини қидира бошлагани; афсуски, у сочма ўқ билан отиладиган ов милтиғини олмаганлиги;

4) бола (Рашид)иложсиз қолганлиги; вақт эса ўтиб бораётгани, нима қилиш кераклигини билмаганлиги;

5) тоғ чумчуғини қирғий чангалидан қутқариш чораси топилмади...

Иншо матнини тузишда узилиш бўлгани учун ўйин тугатилади. Гуруҳ имконияти қўлдан берилади.

“Ажойиб ҳаёлпараст” дидактик ўйини якунланади. Ғолиб гуруҳ аниқланади ва рағбатлантирилади. Иккинчи гуруҳ аъзоларида сўз бирикмаси, гап, матн тузиш, фикрни давом эттириш, ғояларини ижодий ифодалаш юзасидан билимларидаги бўшлиқлар аниқланиб, бартараф этиш чоралари белгиланади.

Демак, бола ўзига керакли билимни кўриб, эшитиб, ўқиб ўрганади. Бу эса тил воситасида амалға ошади. Агар тил бўлмай ҳар бир киши ўз тажрибасиға асосланганда эди, бугунги моддий ва маънавий тараққиётға эришилмаган бўлар эди. Тил туфайли билим оғзаки ва ёзма тарзда авлоддан авлодға қолдирилади, натижада авлодларға қолдирилган мерос давом эттирилади ва тараққиёт таъминланади. Тил умумлаштириш хусусиятиға эға бўлганидан инсон сўз ёрдамида борлиқни ўрганиб, умумий тушунчалар ҳосил қилади, ҳақиқатни идрок этишға ўрганади.

Адабиётлар

1. Ergasheva G. Talabalarda ijodiy fikrlashni rivojlantirishning asosiy komponentlari. // Xalq ta'limi. –Тошкент: 2017. № 5. 48-b.
2. Джураев Р.Х., Умарова Х.А. Иқтисодий таълим тизимида ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш. //“Uzluksiz ta'lim”. –Тошкент: 2013. № 4. 16-6.

3. Амирова Г., Джураев Б. Болалар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг оптимал йўллари // “Uzluksiz ta’lim”. – Тошкент: 2015. № 5. 14-б.
4. Toirova M. Maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish texnologiyasi. // “Xalq ta’limi”. – Тошкент: 2019. №2. 85-б.
5. Qosimova K. va boshq. Ona tili o‘qitish metodikasi. –Т.: “Noshir”, 2009. 98-б.

РЕЗЮМЕ

Бошланғич таълимда дарс самарадорлигини оширишда ўқувчиларни мустақил ишлашга, ижодий фикрлашга ўргатиш, синфда ижодий вазият яратишда грамматик таъриф ва қоидалар учун танланган мисоллар ва дидактик материаллар муҳим ўрин тутиши, грамматик ўйинларни тайёрлаш мавзулари борасида айтилади.

РЕЗЮМЕ

Говорят, что подобранные примеры и дидактические материалы по грамматическому определению и правилам играют важную роль в повышении эффективности уроков в начальном образовании, обучении учеников самостоятельной работе, творческому мышлению, созданию творческой ситуации в классе, подготовке грамматики.

SUMMARY

They say that selected examples and didactic materials on grammatical definition and rules play an important role in increasing the effectiveness of lessons in primary education, teaching students to work independently, creative thinking, creating a creative situation in the classroom, and preparing grammar.

ЎРТА МАКТАБЛАРДА ЁЗДИРИЛАДИГАН ИНШОЛАР ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

М.Ҳазраткулов – доцент

Самарканд давлат университети

Таянч сузлар: таълимий иншо, кўркем тасвир, гўзаллик, тасаввур ва ҳаёлот, экспозиция, воқеа ривож, кульминация, адабий таълим.

Ключевые слова: учебное эссе, визуальный образ, красота, воображение и фантазия, экспозиция, сюжетная линия, кульминация, литературное образование.

Key words: educational essay, visual image, beauty, imagination and fantasy, exposition, storyline, culmination, literary education.

Таълимий иншолар она тили дарсларида, асосан, грамматик қоидаларни амалиётда қўллашга ўргатиш мақсад қилиб қўйилган ёзма ишлар ҳисобланади. “Тил ҳодисаларидан амалда фойдаланишга ўргатиш, ўзбек адабий тилининг бой имкониятларидан нутқда фойдаланиш каби зарур малакалар, асосан, таълимий иншолар орқали шакллантирилади”. Адабий таълимда эса “Адабиёт” дарсликларида ўрин олган бадиий асарларнинг мазмун-моҳияти асосида ташкил этиладиган иншолар ўқувчиларда эзгу ахлоқий-маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган бўлади.

Таълимнинг юқори босқичига ўтган ўқувчилар билан унинг дастлабки синфларида – бошланғич адабий таълимда амалга оширилган ишлардан унча узоклашмаган ҳолда фаолият юритилади. Яъни 5-, 6-синфлар “Адабиёт” дарсликларида ўрин олган бадиий асарлар мисолида адабий ва адабий-ижодий мавзуларда иншолар ташкил этиш самарали иш турларидан ҳисобланади.

Иншолар моҳиятан ижод ва яратишга мойил, тасаввури ва ҳаёлот даражаси юқори бўлган ҳамда маънавий баркамоллик сари юз бурган шахсни шакллантиришда, ўқувчиларни ижодга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар тасаввури ва ҳаёлот адабий таълимнинг бу босқичида назарий тушунчалар билан бойиб, ривожланиб боради. Унда бадиий матннинг бутунлиги, иншодаги барча унсурларнинг ажралмаслиги ҳамда мустақамлигини кўриш қобилияти шаклланади. Бу билан ўқувчи бадиий асар яратиш жараёнига бевосита аралашгандай бўлади.


Бу ишнинг қандай амалга оширилишини дарсликдан ўрин олган асарлар мисолида кўриш мумкин. Масалан, 5-синфда “Уч оға-ини ботирлар” эртаги ўрганилганидан сўнг “Агар подшо уч оға-ини ботирлардан сир олмоқни бир вазирга топширмаганида...” мавзусида оғзаки иншо дарси ўтказилиши мумкин. Қайд этиш лозимки, сюжет чизиги чизмасини тузиш топширигининг амалда қандай бажарилишига тажриба-синов ишлари жараёнида алоҳида эътибор қаратилди. Бироқ ўқувчиларда бу кўникма шакллантирилмаган бўлса, ўқитувчи бундай топшириқни беришдан олдин сюжетнинг ҳар бир унсур ҳақида назарий маълумот бериши керак бўлади: *экспозиция* – асар воқеалари бошланғичи қадар ўрин-жой ва табиат тасвири; *тузун* – асарда тасвирланган воқеалар ривожланишининг бошланғич нуктаси; *воқеа*

ривож – асарда воқеаларнинг кетма-кетликда ривожлана бориши; *кульминация* – асар воқеаларининг энг юқори, авж нуктаси; *ечим* – бадиий асар воқеалари ривожланишининг якуний нуктаси.

Сюжет унсурлари ҳақида тушунча берилгач, ўқувчилар “Уч оға-ини ботирлар” эртагининг сюжет чизиги чизмасини (2.3-жадвалга қаранг) қуйидаги шаклда тузишлари мумкин.

2.3-жадвал

“Уч оға-ини ботирлар” эртагининг сюжет чизиги



Бу иш тугаллангандан сўнг ўқитувчи ўқувчиларга сюжет чизигидаги ҳалқаларнинг бирида ўзгариш қилишни тавсия этади. Масалан, чол ўғилларини сафарга йўллашдан олдин уларга аввалги насиҳатларининг айнан тескарисини қилсин. Буни ҳам болаларнинг ўзларидан сўраш уларнинг иш фаолиятида катта самара беради. Мазкур топшириқ дарҳол ўқувчилар тасаввурини кўзгатади, ўқитувчи ушбу савол билан масалани аниқлаштиради: «Уч оға-ини ботирлар қандай йўл тутишарди?» 5-синф ўқувчилари турли жавоб вариантларини берадилар:

- ботирлар қаҳрамонлик кўрсата олишмасди;
- қилган ишлари билан мактаниб, мағрурликка йўл қўйишарди;
- подшони ўз ақллари билан лол қолдирилмасдилар ва ҳк.